2006 ЙИЛ, 10 МАЙ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 88 (10.645)

Баҳоси эркин нархда

ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ

9 МАЙ — ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН УШБУ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ.



Мустақиллик йилларида бу кун том маънода инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида мужассам этган муҳим тарихий санага айланди.

Ушбу байрам бу гал Ҳомийлар ва шифокорлар йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва қадрлаш - инсон ақл- заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Ҳомийлик, саховат ва ҳиммат, меҳр ва мурувват фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шафқат-шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги нишонланаётган шу кунларда юртимизда Хотира ва қадрлаш куни алоҳида эътибор билан байрам қилинаётгани теран маънога эга. Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб-жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тунни тонгга улаб меҳнат қилган, ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз матонати ва фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт. Айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, қадрламоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш ва эъзозлаш, оғир жангу жадалларни бошдан кечирган, ярадор бўлиб қайтган кексаларимизни, фронт ортида машаққатли меҳнати билан ғалабага ҳисса қўшган инсонлар, айниқса, оналаримизнинг ҳурмат- эҳтиромини жойига қўйиш ва муносиб тақдирлаш миллий қадриятларимиз қаторидан кенг ўрин олгани қувончли.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 4 майдаги Фармонига мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг пул билан мукофотланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намойишидир. Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ. Ушбу тушунчалар мустақиллик даври авлоди учун ўзига хос маънавий қадриятга айланди. Илло, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, буюк ғалабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаган ва биз, миннатдор авлодлар бу фидойи юртдошларимизни доимо улуғлаймиз, уларнинг беқиёс матонати ва хотираси олдида ҳурмат билан бош эгамиз.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар кунгидан ҳам гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрган.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари Ватаннинг фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро она қиёфасида иститроб ва умид намоён...

Соат 8.40. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

—Бугун, 9 май — юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган умумхалқ байрами билан барча юртдошларимизни қутлайман, — деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мана шундай улуғ кунда халқимиз шу ёруғ ва фаровон кунларга шукроналар айтиш баробарида, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимизнинг мусафолиги учун жангу жадалларда жон олиб-жон берган аждодларимиз хотираси олдида ҳақли равишда бош эгади. Шу билан бирга, бугун ҳаёт, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Ўша пайтда юртимизда қарийб 3,5 миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, улардан тахминан 1,5 миллион нафари урушга сафарбар этилган. Ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун 400 минг нафардан зиёд ватандошимиз уруш майдонларида қурбон бўлган, яна қанчадан-қанча кишиларимиз бедарак кетган.

(Давоми 2-бетда)

ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ — АМАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 6 МАЙ КУНИ ОҚСАРОЙДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ДМИТРИЙ МЕДВЕДЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

—Ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия муносабатлари изчил ривожланиб бораётганининг яна бир ифодасидир, — деди Ислом Каримов. — Ўзаро алоқаларимиз ўтган йилнинг ноябрь ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида муттасил тараққий этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари бу шартнома ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворидаги асосий ҳужжат эканлигини таъкидлади. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 23,5 фоиз ортди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон билан Россия сиёсий ва ижтимоий соҳаларда, хавфсизликни таъминлаш масалаларида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ишбилармонлар доирасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда.

Иккала мамлакатда ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар ва миллий дастурлардаги мутаносиблик, давлатларимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ҳамоҳанглик диққатга сазовордир. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш икки мамлакатда ҳам устувор масалалардан саналади.

Д.Медведев Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари сифатида Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга ташриф буюрди. У таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва қишлоқ хўжалиги масалаларини назорат қилади. Бу соҳалар бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар эса ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир.

Шу маънода Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи мазкур соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш юзасидан батафсил фикр алмашиш ҳамда шу йўналишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш учун яхши имкониятдир.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ДМИТРИЙ МЕДВЕДЕВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 6 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ РУСТАМ АЗИМОВ ВА ЭРГАШ ШОИСМАТОВ ҲАМРОҲЛИГИДА «В.П.ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА БЎЛДИ.

Меҳмонлар корхонада ишлаб чиқарилаётган замонавий Ил-76 ва Ил-114 самолётларини кўздан кечирди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган ҳамда халқаро андозалар асосида такомиллаштирилган юк ташувчи Ил-76ТД-90ВД ҳаво кемаси 2005 йил августда Москва шаҳрида ўтган «МАКС-2005» авиашоусида муваффақиятли иштирок этган эди. Жорий йил май ойида унинг Берлинда ўтадиган «ИЛА-2006» халқаро авиакўргазмасида ҳам намойиш этилиши режалаштирилмоқда.

Д.Медведев корхона аэродромида янги Ил-76ТД-90ВД ҳаво кемасини Россиянинг «Волга-Днепр» авиакомпаниясига топшириш маросимида иштирок этди. Мазкур авиакомпания ўзбекистонлик самолётсозлар ишлаб чиқараётган ушбу ҳаво кемасидан жорий йилда яна битта сотиб олиш истагини билдирган.

Шу куни меҳмон Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги Компьютер технологиялари академик лицейи фаолияти билан танишди.

Д.Медведев Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди.

Хусусан, замонавий компьютер хоналари, мультимедиа тизими, электрон кутубхона, лаборатория, лингафон хонасидаги шароит жаҳон талабларига тўла мос эканини таъкидлади.

Д.Медведев Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига ташриф буюриб, мазкур муассаса фаолияти, унинг техникавий имкониятлари ва салоҳияти билан танишди. 680 ўринли бу муассасада 25 жарроҳлик ва 84 реанимация хонаси мавжуд. Марказ ходимларидан ўттизга яқини фан доктори, қарийб эллик нафари фан номзоди илмий даражасига эга.

Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази билан Россиянинг қатор нуфузли тиббий муассасалари ўртасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, сўнгги уч йил мобайнида юздан зиёд ўзбекистонлик шифокор Москвада малака оширди.

Д.Медведев журналистлар билан учрашувда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги тажрибаси Россия учун фойдали бўлишини алоҳида таъкидлади.

—Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини ислоҳ этиш борасида Ўзбекистон тажрибаси билан танишиш мамлакатимизда миллий лойиҳалар билан шуғулланаётган киши сифатида мен учун ғоят фойдали бўлди, — деди Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари. — Ушбу тажриба жуда фойдали ва уни диққат билан ўрганиш лозим, деб ўйлайман.

ЎзА

УМИД НИҲОЛЛАРИ — КЕЛАЖАГИМИЗ

ҚАРШИ ШАҲРИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ-2006» РЕСПУБЛИКА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Беш кун давомида юртимиз аҳлининг эътибори ёшлик, нафосат ва спорт байрами мезбонига айланган Қарши шаҳрига қаратилди. Бу ерда мусобақага атаб қурилган ва тўлиқ таъмирланиб, қайта жиҳозланган замонавий спорт иншоотларида икки минг нафардан зиёд иқтидорли, умидли, эпчил ва чаққон спортчи-ўқувчилар баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, стол тенниси, шахмат, футбол, гандбол, бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, енгил атлетика ва сузиш каби спортнинг 12 тури бўйича куч синашди.

Айтиш жоизки, «Умид ниҳоллари-2006» спорт ўйинлари иштирокчилари орасида республика, халқаро миқёсдаги спорт турнирларида маҳоратини оширган ўғил-қизларнинг борлиги мусобақаларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

«Умид ниҳоллари-2006» республика спорт ўйинлари мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган уч босқичли узлуксиз спорт тизими ўз самарасини бераётганини яна бир бор исботлади. Чунки мазкур спорт тизимининг дастлабки ва энг асосий бўғини ҳисобланган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида қайд этилаётган натижалар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, сузиш бўйича мусобақаларда уч кун давомида йигирмадан зиёд рекорд натижа қайд этилгани ҳам бу фикрнинг исботидир.

Бундай мусобақалар ўқувчи ёшларни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш билан бир қаторда иқтидорли спортчиларни кашф қилишда катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2002 йили илк «Умид ниҳоллари»да «юксак натижага интилиши» учун махсус рағбатлантирувчи соврин соҳибаси бўлган Светлана Радзивил бугун енгил атлетика бўйича нуфузли турнир ва чемпионатларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Бундай спорт усталарининг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●БУГУН Учтепа туманидаги «Оқмасжид» маҳалласининг 40 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этишди.

●ЯККАСАРОЙ туманидаги 73-мактабда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан мактаб ўқувчиларининг фахрий ўқитувчилар билан учрашуви уюштирилди.

●КЕЧА Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларининг сайлови ўтказилди.

●ЧИЛОНЗОР туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган анжуман «Биз Президент фарзандларимиз» деб номланди.

● БЕКТЕМИР туман марказлашган кутубхоналар тизимининг болалар кутубхонасида китобхонлар иштирокида «Менинг онам шифокор» мавзуида туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган китоблар кўргазмаси Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● ЯККАСАРОЙ туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти Яккасарой туман бўлимининг бешинчи анжумани уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий музейида ўзига хос бадиий кўргазма очилди: унда ўз ишларини II жаҳон уруши фахрийлари намойиш этишмоқда.

●Ўзбек Миллий академик драма театрида маданият, санъат соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ҳамюртларимиз иштирокида «Ҳамиша эъзоздасиз» мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирга театр, кино, мусиқа, рақс ва цирк санъати йўналишида меҳнат қилган II жаҳон уруши иштирокчилари, кекса мутахассислар таклиф этилди.

●Тошкентда Бутунжаҳон допингга қарши кураш агентлиги, Осиё Олимпия кенгаши ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида Марказий Осиёда спортда допингга қарши кураш дастурларини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтмоқда.

●Тўрткўл тумани «Калтаминор» овули фуқаролар йиғини ҳудудида ўтказилган дўстлик фестивали бу ерда аҳил-иноқ ҳаёт кечираётган турли миллат вакиллари ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга бағишланди. «Дўстлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик» мавзуидаги ушбу тадбирда қўшни Беруний ва Элликқалъа туманларидан келган меҳмонлар ҳам қатнашди, қардош халқлар тилларидаги қўшиқлар янгради.

● «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Олмалиқ шаҳрининг «Металлург» стадионида таниқли эстрада хонандалари ва сўз усталари иштирокида «Ҳомийлик—улуғлик фазилати» мавзуида анжуман ўтказилди.

●Юртимизда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда «Ўзнефть ва газ» ташкилоти ходимлари томонидан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган «Тоза ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи ўтказилмоқда. Тадбир давомида 200дан ортиқ йирик автотранспорт корхоналари, 100 га яқин АЁҚШ, 20 га яқин техник хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятининг белгиланган меъёрларга риоя этиш ҳолати ўрганилиши белгиланган.

● Бухоролик тадбиркорлар Россиянинг «Р-лайт» реклама гуруҳи вакиллари билан учрашди. Унда асосий эътибор Бухоро ва Россия ишбилармонлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларига қаратилди. Учрашув доирасида Москвада Бухоро савдо-саноат палатасининг ваколатхонасини, Бухорода эса Россия ишбилармонлари марказини очишга келишиб олинди.

●Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг мамлакат босқичи ниҳоясига етди. Беллашув якунига кўра Жиззах вилояти ёшлари биринчи ўринни қўлга киритди.

●Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий қисм спорт майдонида Тошкент тумани умумтаълим мактабларининг ҳарбий хизматга чақирувга тайёрлаш бўйича тўлиқ билим олган юқори синф ўқувчилари ўз кўникмаларини намойиш этишди. Улар туман мудофаа бўлими ходимлари ҳамда ўқитувчилар ҳамкорлигида ўтказилган дала машғулотларида иштирок этиб, ҳарбий техника ҳамда жанговар қуроллар билан яқиндан танишишди.

ЖАҲОНДА

●Африка Иттифоқи ташаббуси билан Дарфурдаги исёнчилар ва Судан ҳукумати ўртасида тинчлик музокаралари ўтказилган эди. Унинг иккинчи босқичи Нигерия пойтахтида бўлиб ўтди.

●Маълумки, яқинда Боливия президенти Эво Моралес мамлакатдаги нефть ва газ конлари ҳамда бу соҳадаги барча мулкларни давлат ҳисобига ўтказиш тўғрисида фармон чиқарган эди. Аргентина ва Бразилия президентлари Эво Моралесни қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

●Икки йил давомида АҚШнинг Марказий разведка бошқармасини бошқарган Портер Госс номаълум сабабларга кўра истеъфога чиқди.

●Таиланднинг Потайя курорт шаҳарчасидаги тунги клублардан бирида чиққан ёнғин оқибатида етти киши ҳаётдан кўз юмди, 50 га яқини жароҳатланди.

●Англиянинг Foregn policy журнали ва «Тинчлик учун» («For Peace») фонди томонидан тайёрланган жаҳондаги энг барқарор бўлмаган давлатлар рейтингида биринчи ўрин Суданга берилди. Кейинги ўринларни эса Конго демократик республикаси, Кот-д'Ивуар эгаллаб турибди.

●Германиянинг «BMW» автомобил концерни сотувлар ва фойда кўриш бўйича рекорд ўрнатди. 2006 йилнинг биринчи чорагида компания 332923 та автомобиль сотишга муваффақ бўлди. Бу кўрсаткич ўтган йилгидан 12 фоизга кўпдир. Бир йил ичида компаниянинг солиқлари ҳисобланмаган даромади 1,6 миллиард долларга етди.

●Флорида штати маъмурияти ўрмон ёнғинларининг авжига чиқиши сабабли мингдан ортиқ хонадон аҳлини хавфсиз жойларга кўчирди.

●Хитойда уяли телефонлардан фойдаланувчилар сони жорий йилнинг биринчи чорагида 490 миллиондан ошди. ХХР информатика вазирлигининг маълумотларига кўра мамлакатда уяли телефон соҳибларининг сони 30,3 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида:

1. «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида;

иловага мувофиқ, унинг акциядорлари таркиби ва устав сармоясини кўпайтириш тўғрисида «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг таклифларига розилик берилсин.

«Микрокредитбанк» «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банкининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайдиган талабномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Микрокредитбанк»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришлари учун микрокредитлар бериш, кенг кўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш;

микрокредитлар бериш ҳамда микролизинг йўли билан микрофирмалар, оилавий бизнес ва касаначилик ривожланишини рағбатлантириш ва қўллаб- қувватлаш ҳисобига тадбиркорлик соҳаси кенгайишига кўмаклашиш;

қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган бизнес-режани, унинг молиявий ҳолатини, кредитни тўлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш манбаларини синчиклаб таҳлил этиш асосида микрокредитларнинг қайтарилишини таъминлаш;

микрокредит бериш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш;

айниқса, қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш.

3. Белгилансинки, «Микрокредитбанк» минтақавий, асосан қишлоқ жойлардаги филиаллари ва мини-банклари тизими орқали:

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитларни йилига 5 фоиздан юқори бўлмаган фоиз ставкасида, энг кам иш ҳақининг 200 каррагача миқдорида 18 ойгача бўлган муддатга;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдиришга микрокредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 500 каррагача миқдорида 24 ойгача бўлган муддатга беради;

кичик бизнес субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 200 каррагача миқдорида 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кўрсатади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун илгари олган микрокредитини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарган ҳамда у бўйича қўшилган фоизларни тўлаган тадбиркорлик субъектлари бизнесни ривожлантиришга кейинги микрокредитларни олиш ҳамда «Микрокредитбанк» хизматларидан фойдаланиш учун устунлик ҳуқуқига эга бўладилар.

4. «Микрокредитбанк» микрокредитларни расмийлаштиришда бюрократизм ва расмиятчилик ҳолларига йўл қўймасин. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда қарз олувчи томонидан микрокредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати фақат:

микрокредит олишга буюртманома; бизнес-режа; микрокредит қайтарилиши таъминланишини тасдиқловчи ҳужжатлар билан чекланади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги муваққат низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қуйидагилар «Микрокредитбанк» ресурс базасини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

акциядорларнинг банк устав сармоясини шакллантиришга йўналтирадиган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2007-2010 йиллар мобайнида Марказий банкнинг республика бюджети даромадига йўналтирадиган фойдаси ҳисобидан йиллик 2 фоиз ставка бўйича 10 йил муддатга 10 млрд.сўм миқдорида бериладиган ҳар йилги ссудалар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасининг кредит линиялари.

6. Белгилансинки, микромолиялаштириш шартномалари, шунингдек, гаров, кафолат шартномалари ҳамда микромолиялаштириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни нотариал тасдиқлаш шартнома суммасининг 0,1 фоизи ставкаси бўйича амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

«Микрокредитбанк» филиалларининг Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасига киришини таъминласин ҳамда қарз олувчиларнинг кредит тарихи бўйича ўзининг маълумотлар базасини яратишда «Микрокредитбанк»ка ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва Савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда «Микрокредитбанк»ка кўмаклашсин.

8. «Микрокредитбанк» 2011 йилнинг 1 январигача:

даромад (фойда) ва мулк солиқлари тўлашдан;

олиб келинадиган банк ускуналари ва технологиялари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириши учун йиғимлардан ташқари);

банк фойдасига ундирилган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 май.

ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли. Зотан, жанггоҳларда ҳалок бўлган биргина одам ҳам - Инсон. Унинг ҳаёти бемаҳал якун топди, орзу-умидлари рўёбига чиқмай хазон бўлди. Бу йўқотишнинг ортида яна қанчадан-қанча қайғу, ғам-алам, ҳасратлар ётибди. Бева- бечораю етим-есирлар, фарзанди йўлига кўз тиккан онаизорнинг умиду надоматлари мужассам шу биргина аччиқ йўқотишнинг замирида...

Шу маънода, бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида сақланиб қолади.

Юртбошимиз бугунги кунда дунёда уруш таҳдиди наинки мавжудлиги, балки бу таҳдид кундан-кунга кучайиб бораётганига ҳам эътиборни қаратди.

— Башарият ўз тарихида уруш ҳеч қачон ҳеч кимга енгиллик, ёруғлик олиб келмаганига қайта-қайта гувоҳ бўлганига қарамай, Ер юзида урушни хоҳловчилар камаймаётгани ачинарлидир, — деди Ислом Каримов. — Афғонистонда 27 йил олдин бошланган урушнинг оқибатлари ҳали ҳам барҳам топгани йўқ, бу юртда ҳалигача тинчлик ва хотиржамлик кузатилмаяпти. Ироқдаги уруш, Эрон атрофида уруш нафасини уфураётган воқелик ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Урушга йўналтирилган бундай ҳаракатлар нега давом этмоқда? Афсуски, бу саволга жавоб топиш мушкул. Зеро, дунё тарихи гувоҳки, урушдан ҳеч қачон на уни бошлаганларнинг муроди ҳосил бўлган ва на уруш домида қолганларга енгиллик келган.

Шундай экан, урушларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун, аввало, жаҳонда, минтақамизда тинчлик ва барқарорликка асосланган бугунги ва эртанги ҳаётни таъмин этиш керак. Бу йўлда ҳар қандай муаммо тинчлик йўли билан, дипломатия орқали ҳал этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Россия билан Иттифоқчилик шартномасини имзолаганимиз, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон каби йирик давлатлар билан дўстона ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш борасидаги келишувларимиз Ўзбекистоннинг тинчлик ва тараққиёт йўлида қўйилган залворли қадамлари эканини халқимиз, аввало, ёшларимиз теран англашлари лозим.

Энг муҳими, ҳар биримиз ҳар доим огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишимиз даркор. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт ва тараққиёт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз зарур, деди Президентимиз.

Бу борада Ўзбекистон ёшларида муайян тушунча ва тасаввур шаклланганини эътироф этар экан, Юртбошимиз ўзининг айрим таклифларини баён қилди:

—Аввало, ёшларимиз тарихни чуқур ўрганишлари лозим, — деди Президентимиз. — Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни кўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичида қолмади, кимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечаги кун кўргуликлари қайтадан бошимизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечаги кунидан тўғри хулоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди.

Айни чоғда, ёшлар нафақат тарихни пухта ўрганиши, балки шу буюк ўтмишимиз билан ғурурланиб яшаши керак. Чунки, бу бизнинг тарихимиз. Амир Темур каби шавкатли аждодларимизнинг, улуғ аллома ва мутафаккир боболаримизнинг шонли ҳаёти лавҳаларидир.

Шуни ҳам унутмайликки, бугунги кишиларга, хусусан, буюк келажагимиз бунёдкорларига фақат тарихимиз билан фахру ғурур этиб яшаш кифоя қилмайди. Ғурурли, мард ёшларимиз буюк тарихни яратган аждодларнинг ворислари сифатида «Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдираяпман?», деган тушунча ва интилишни онгу шуурига жойлаб яшаши шарт. Эришилган ютуқларимизни янада ривожлантириш билан бирга, бошқалардан ўзишга интилмоқ керак. Ана шунда буюк келажагимизни таъмин этган бўламиз. Аслида, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деган даъватнинг мазмун- моҳиятида айни шундай интилиш мужассамдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг энг ёши бугун саксондан ошган. Ўтган йили худди шу санани 33 минг 572 нафар уруш қатнашчиси жойларда биз билан бирга байрам қилганди. Бу галги байрамгача улардан 22 минг 251 киши қолди. Фахрийларимизни тириклигида қадрлайлик, эъзозлайлик. Уруш қатнашчиларининг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.

Ушбу санани Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонлаб бошлаганимизга етти йил бўлди, деди Президентимиз пировардида.

Ўтган даврда бу айёмни кенг байрам қилиш юртимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар вакиллари учун одат тусига кирди. Шу маънода, ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлашдек ана шу ҳаётий қарашлар эл-юртимизнинг қон-қонига сингиб бораётгани ва бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз умрининг узвий қисмига, барчамиз учун муқаддас қадриятга айлангани катта воқеадир.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси



УМИД НИҲОЛЛАРИ — КЕЛАЖАГИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ғарчи мусобақалар жадвали ғоят тиғиз бўлса-да, спортчи ёшлар 2700 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Қарши шаҳрининг «Кўкгумбаз», «Одина» масжидлари, Қашқадарё кўприги, «Абдулазиз», «Қиличбек» ва «Бекмир» мадрасалари, вилоят Ўлкашунослик музейи, «Мотамсаро она» хотира мажмуаси, Қарши сержантлар мактаби каби диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдилар.

Бундан ташқари, иштирокчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида спортчилар ётоқхоналарида «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан тақдим этилган бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмлар намойиш қилинди. Шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этилди.



...Шундай қилиб, мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари- 2006» спорт ўйинлари кўтаринки руҳда якунланди.

Стадион узра яна чорлов мусиқаси янгради.

Майдонга «Умид ниҳоллари-2006» республика спорт ўйинлари иштирокчилари — Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келди.

Ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар - ғолибларни тақдирлаш маросими бошланди.

Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси энг қимматли соврин - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мусобақа иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ва «Дамас» автомобилини қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Қашқадарё ва учинчи поғонадан жой олган Фарғона вилояти жамоаларига ҳам «Дамас» автомобиллари берилди. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Китоб туманидаги Гўдаклар уйи ҳамда вилоят Оналар ва болалар шифохонасига Президент совғаси - иккита «Дамас» тез тиббий ёрдам машинаси туҳфа қилинди.

Шунингдек, мусобақа иштирокчиларининг катта гуруҳи турли номинациялар бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари байроғи навбатдаги мусобақани қабул қиладиган Сирдарё вилояти вакилларига топширилди.

«Умид ниҳоллари-2006» республика спорт ўйинлари ёпилиш маросимида таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшларнинг катта концерти намойиш этилди.

«Умид ниҳоллари-2006» спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Исроилда тиббий амалиёт учун ихтиро этилган ноёб ишланма ўта агрессив микробдан жабрланган одамлар ҳаётини сақлаб қолиши, шунингдек, биологик қуролдан ҳимояланиш воситаларидан бирига айланиши мумкин. Яқинда чоп этилган «NATURE» илмий-биологик журнали Қуддус университети тиббиёт бўлинмаси лабораторияларида ихтиро этилган янги оқсил ҳақида хабар берди. Бу ерда «ўлим талвасаси»га сабаб бўладиган «суперантиген» — токсинлар фаолиятига тўсиқлик қиладиган оқсил молекуласи ҳақида гап бормоқда. Олимлар уларнинг янги ишланмаси «ўлим талвасаси»нинг олдини олади, деб умид билдиришмоқда. Зеро, «ўлим талвасаси» вақтида тананинг барча тизимлари дарҳол ишдан чиқади, одам қусади, ичи кетади, оғир аҳволда эса ҳаракатланиш ва хотирасини йўқотади, бу охир-оқибатда ўлимга олиб келади.

●Яқинда Исроилда инсонга сунъий юрак трансплантация қилинади. Петах-Тиквадаги «Рабин» тиббий маркази профессори Бернардо Видана шундай башорат қилди. «Рабин» шифохонасида кардиожарроҳлик бўлинмасига мудирлик қиладиган профессор Видананинг айтишича, ҳозирги пайтда сунъий юракни чўчқаларга сингдириш бўйича тажриба олиб борилмоқда. Йил охирига қадар сунъий юракни инсонга ҳам трансплантация қилиш мумкин бўлади, деб мўлжалланмоқда. Жарроҳларнинг янги ишланмаси юрак ўтказиш бўйича навбатда турган минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Сунъий юрак моҳияти бўйича кичик насосни эслатади, у танадан ташқарида бўлган ва зарядланадиган батарейкаларда ишлайди.

● Ғарбий Германиянинг «Лосве Опта» фирмаси лупа ўрнатилган телевизор ишлаб чиқара бошлади. Янги телевизор ўрта қисмидаги тасвирни хоҳишга қараб 30 фоизгача катталаштириши мумкин. Бу қурилма масалан, актёрлар мимикасини кузатиш ёки футбол баҳсида дарвозага тўп киритиш жараёнларини аниқ кўриш имконини беради. Бу янгилик телевизион техникаси тараққиётида яна бир янги босқичдир.

●Ганада ва Ғарбий Африканинг бошқа мамлакатларида ўсадиган ёғли дарахтни ҳақиқий озиқ-овқат сандиғи, кимё саноати учун хом ашё деб бежиз айтишмайди. Унинг мевалари хом ҳолида овқатга ишлатилади, уруғидан қимматбаҳо ўсимлик мойи олинади, қандолатчиликда қўлланилади. Ёғли дарахтнинг саноатда қўлланилиши учун беқиёс имкониятлар мавжуд. Уруғни қоплаб турувчи юпқа парда ёғдан дорилар, махсус нав пластмасса тайёрлаш учун мой олинади. Баргларидан эса спиртли қора бўёқ олиш мумкин. Гана ҳукумати қишлоқ меҳнаткашларини ёғли дарахт майдонларини кенгайтиришга даъват этмоқда. Бунинг учун Ганада барча шароитлар бор. Бу ерда Африкада ёввойи ҳолда ўсувчи ёғли дарахтлар жуда зич жойлашган. Бу дарахтларнинг жони қаттиқ бўлади, ёғинлардан сўнг ҳам тезда гуркираб ўсаверади.

● Мопси лақабли қуёнча ўзининг хўжайинларини нақд босмачилар чангалидан сақлаб қолди. Воқеа ярим тунда бўлиб ўтади. Жениксинлар оиласи ҳеч нарсадан хавотирсиз маст уйқуда ётишарди. Оила бошлиғи ниманингдир қаттиқ тақиллаётганидан уйғониб кетди. Туриб безовталанаётган Мопси эканлигини кўрди. Жонивор хавфни олдиндан сезгандек жон аччиғида қафасни тимдалар ва кўча томонга ишора қиларди. Женикс деразадан қараб ярим тунда қандайдир номаълум кишилар ҳовлидаги гараж олдида чироқ кўтариб юришганини кўрди. Оила бошлиғи дарҳол полицияга хабар етказди. Бироқ уйда чироқ ёнганини кўрган ўғрилар дарҳол жуфтакни ростлаш ҳаракатига тушишди. Барибир полиция узоққа қочиб улгурмаган тунги меҳмонларни тутишга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, ўғрилар Жениксникига «БМВ» маркали автомобилини ўмариш учун келишган экан.

●Яқинда руминиялик 25 ёшли Данииэл Данчий исмли йигит иш излаб хорижга кетиш олдидан соғлиғи ҳақида текширишдан ўтади. Шунда рентген орқали унинг ички аъзоларида номаълум бир нарсанинг қолиб кетгани аниқланади. Шифокорлар маслаҳатлашиб, уни операция столига ётқизишади. Маълум бўлишича, ичда қолиб кетган нарса — термометр экан. Агар термометрнинг ташқи чинниси синиб, симоб ичига тарқалиб кетганида борми? Шифокорларнинг: «Бу қачон ҳамда қандай бўлган?» — деган сўроқларига Данииэлнинг онаси шундай жавоб берган: «Кичкинтой Данииэлнинг беш ёшли пайтида касалхонада ўйнаб юрганида термометрни ютиб юборгани энди эсимга тушди. Сабаби, шу ерда хизмат қилувчи ҳамшира келиб, термометрни сўраганда Данииэл йўқ эди. Бу воқеани энди эсладим». Мана шундан буён хавфли «бомба» бояқиш боланинг ошқозонида 20 йил яшади. «Ажалсиз одам» деб шунга айтишар экан.

●Баҳор келиши билан Пермь вилоятидаги Чайковский деб номланган шаҳарчадаги ёш табиатшуносларнинг кичик ҳайвонот боғида яшовчи беш ёшли Анфиса исмли маймун очлик эълон қилди. Анфиса аввалларидан ҳозиржавоб ва ҳамма билан тил топишиб кетаверган бўлса, эндиликда аразлаб, уйчасининг бир бурчагига тиқилиб олиб, бирон хил таомни оғзига олмаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, у ўзига «умр йўлдоши» излаяпти. Фақат бу нарса осонликча ҳал бўлмайдиганга ўхшайди. Чунки чор-атрофдаги шаҳарлардан ноёб «гусар» тури топилмай ҳаммани безовта қилиб қўйди. «Куёвтўра»ни Интернет орқали топишга ахд қилинди.

9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни







ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАБ УЧРАШУВЛАР, МАЪРИФИЙ-БАДИИЙ КЕЧАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

БЕКТЕМИР. Бектемирликлар бу айёмни самимий ниятлар ва улуғ мақсадлар билан қарши олишди. Аввало, туманда истиқомат қилаётган 24 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига Президентимизнинг совғалари топширилди. 200 нафарга яқин фронт ортида заҳмат чеккан отахону онахонларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам билан рағбатлантирилди.

Тумандаги «Астробод» гузари эрталабданоқ гавжум бўлди. Бу ерга таклиф этилган уруш ва меҳнат фахрийлари, афғон уруши, Чернобиль фожиаси иштирокчиларига 150 кишилик байрам дастурхони ҳозирланди. Унга миллий таомлар тортилиб, бир пиёла чой устида самимий суҳбатлар, шукроналикдан дарак берувчи миллий мусиқа оҳанглари янгради.

Шундан сўнг Бектемир тумани ҳокими Акмал Ҳошимжонов, «Нуроний» жамғармаси туман Кенгаши раиси Олимжон Дадабоевлар йиғилганларни байрам билан самимий муборакбод этдилар.

— Бу йил Хотира ва Қадрлаш кунига ўзгача тайёргарлик кўрдик, — дейди Бектемир тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Қундуз Сайдалиева. — Аввало уруш ва меҳнат фахрийларининг уй-рўзғор юмушларига кўмаклашувчи мактаб ўқувчиларидан иборат кўнгилли гуруҳ туздик ва унинг ишини намунали тарзда йўлга қўйдик. 4 нафар афғон уруши ногиронларига 80000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик. 21 нафар Чернобиль фожиаси иштирокчиларига эса 210000 сўмлик моддий кўмак ажратилди.

МИРЗО УЛУҒБЕК туманидаги Олимлар шаҳарчасидаги «Бахт уйи»да Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, шаҳар ва туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармалари томонидан «Хотира—муқаддас» деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Тадбирга туманда истиқомат қилувчи жами 467 нафар иккинчи жаҳон уруши ва афғон уруши қатнашчилари ҳамда фронт ортида фаолият кўрсатган фахрийлар ташриф буюришди. Байрам тадбирида иштирок этган шаҳар ҳокимлиги, Республика ва шаҳар «Маҳалла» ҳамда «Нуроний» жамғармаларининг вакиллари сўзга чиқиб, уруш ва меҳнат фахрийларини Хотира ва Қадрлаш куни ила муборакбод этиш билан бирга уларни эъзозлаб, байрам совғаларини топширдилар. Ўз навбатида уруш қатнашчилари ҳам сўзга чиқиб, бугунги тинч ва фаровон кунларга етиб келганларига, Юртбошимиз ташаббуслари билан уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат ва эътибор қаратилиб эъзозланаётганлари учун шукроналар айтиб, ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар. Шу куни тадбирга йиғилган фахрийлар учун дастурхон безатилиб, ош тортилди. Элимизнинг севимли хонандалари ижросида янграган дилбар қуй-қўшиқлар, жозибали рақслар кечага янада файз киритди. Бундай байрам тадбирлари тумандаги «Дархон», «Бўзарик», «Оққўрғон», «Солар», «Оқибат» сингари маҳаллаларда ҳам мазмунли ва файзли ўтказилиб, фахрийлар эъзозланиб, уларга совғалар топширилди. Уйда ётиб қолган беморлар ҳолидан хабар олиниб, саховат кўрсатилди.

ЯККАСАРОЙ туманида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан барча маҳаллаларда иккинчи жаҳон уруши, афғон уруши ҳамда фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар учун байрам тадбирлари ўтказилиб, кексалар қадрланди, уларга эҳтиром кўрсатилди.

Жумладан, Юнус Ражабий номли маҳалла гузарида бўлиб ўтган байрам тадбирига туманда истиқомат қилувчи 257 нафар иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари ташриф буюрдилар. Шу куни фахрийлар учун тўкин дастурхон безатилиб, ош берилди. Фахрийлар бир пиёла чой устида уруш хотираларини, жанговар дўстларини ёдга олишди, бугунги дориломон кунларга, тинчлик замонамизга етказганига шукроналар билдиришди. Дилтортар куй-қўшиқлар, ажиб наволар остида фахрийларга ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

— Кексаларни қадрлаш, айниқса уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиз,—дейди Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Михаил Киктев.— Маҳалламизда истиқомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийларига ҳар йили нафақат Хотира ва Қадрлаш куни, балки, ҳар бир байрам тадбирларида эҳтиром кўрсатиш анъанага айланган. Чунки фахрийлар бизнинг фахримиз. Мана бугунги байрам тадбирида ҳам уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи уруш фахрийларига бир йиллик коммунал тўловлар учун 20 минг сўм чегирма қилинадиган бўлди. Уйда ётиб қолган беморлар ҳолидан хабар олиниб, совғалар топширилди. Бундай тадбирларни маҳалламиз аҳли тотув ва баҳамжиҳатликда ўтказиб, кексаларимизга, ёрдамга муҳтож кишиларга саховат кўрсатиб келинмоқда.

МИРОБОД. Қариси бор уйнинг — париси бор, деган нақл бежизга айтилмаган. Чунки ҳаёт тажрибасига эга кекса отахон ва муҳтарама онахонларимиз нафақат хонадонларимизда, балки юртимизда ҳам ҳар қанча эъзозга лойиқ.

Мирободликлар Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлар эканлар, тумандаги ҳар бир қариянинг кўнглини кўтаришга, эл олдидаги хизматини муносиб баҳолашга эътибор қаратишди. Аввало ўтганлар руҳини шод этиш мақсадида туман ҳудудидаги қабристонлар орасталаниб, тартибга келтирилди, маҳаллалар ободлиги йўлида ҳашарлар уюштириб хисса қўшилди.

Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган катта тадбир тумандаги «Саховатли инсон» қаҳвахонасида ўтказилиб байрам дастурхонига 450 нафар нуроний отахон ва онахонлар таклиф этилди. Улар орасида II жаҳон уруши қатнашчилари, Афғон уруши иштирокчилари, Чернобиль фожиаси оқибатларини бартараф этишда қатнашган фуқаролар ҳамда меҳнат фахрийлари бор эди.

— Сафимиз йилдан йилга камайиб бораяпти, — дейди II жаҳон уруш қатнашчиси Ҳалим ота Жалилов. — Лекин мана шундай улуғ кунлар бор экан, ўтганларнинг хотираси абадийлигига, уларнинг руҳи ҳамиша шод этилишига ишонаман.

Йиғилганларга алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, совға-саломлар топширилди, санъаткорлар мумтоз наволар билан даврага шавқ-завқ улашдилар.

Шунингдек, ётиб қолган уруш иштирокчилари, 100 ёшдан ошган табаррук кексаларнинг хонадонларига бориб, ҳолидан хабар олинди. Айниқса, А.Навоий номли театр биноси майдонидаги, Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғидаги кўнгилочар тадбирлар кексаю ёшга бирдай қувонч улашди. Байрам тадбирлари ҳар бир маҳаллада ўзига хос тарзда шодиёна ўтказилди. Кексалар иззатда, ёшлар эса хизматда бўлди.

СЕРГЕЛИ туманида ҳам Хотира ва Қадрлаш куни катта тантана билан нишонланди. Бугунги тинч, дориломон кунлар учун жонини тикиб, жафо чеккан II жаҳон уруши фахрийлари ҳамда меҳнат фахрийларига иззат-икром кўрсатилди.

— Уруш ва меҳнат фахрийларига ҳар қанча ҳурмат кўрсатсак арзийди, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Баҳодир Қурбонов. — Чунки бугунги тинч, фаровон ҳаётимиз учун улар азиз жонларидан кечиб жангга киришганлар. Бу кунга кимлар етди, кимлар етмади. Туманимизда II жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилиб бир бурда нонини ҳам жангчиларга илинган меҳнат фахрийларига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб келинади. Яқинда ҳудудимиздаги 37-оилавий поликлиника шифокорлари ҳар бир фахрийнинг уйига бориб, уларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Дори-дармон, лозим бўлганларга эса шифохонага йўлланма берилди. Туман ҳокимлиги ва ҳомийлар кўмагида фахрийларга ҳамиша моддий ва маънавий кўмак кўрсатиб келинади.

Тумандаги «Бахт уйи» кошонасида 500 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига чиройли байрам дастурхони ёзилди. Куй-қўшиқлар янграб, фахрийлар бугунги тинч, осуда кунлар учун шукроналар айтишиб, дилдан суҳбат қуришди.

— Қадрдонларим, азиз биродарларим, — деди жумладан тадбирда сўз олган уруш фахрийси Авазмурот Қутлиев. — Жанггоҳларда кечган кунларни эслаш нақадар оғир. Чунки бугунги осуда ҳаётнинг қадрига етиш учун биз у кунларни унутмаслигимиз керак. Ўтганларни хотирлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Оллоҳга беадад шукр, юртимиз мустақилликка эришди, озод ва ҳур диёрда яшамоқдамиз. Ўтмишимиз, тарихимиз ёшларга сабоқ бўлсин, она-Ватанни кўз қорачиғидек асрашга ўргатсин.

Хотира ва Қадрлаш кунида тумандаги 33 та маҳалланинг ҳар бирида байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Байрамга келолмаган I гуруҳ ногиронлари ва бетоб фахрийларнинг уйларига бориб, совға-салом билан йўқланди. Бир сўз билан айтганда шу куни ҳеч ким эътибордан четда қолмади.

СОБИР РАҲИМОВ. Жасорат ва фидойилик ҳеч қачон унутилмайди. Шу маънода Собир Раҳимов туманида ҳам Хотира ва Қадрлаш куни урушларда қурбон бўлган шаҳидлар хотирасини ёд этиш, умри мобайнида элу юртга эзгулик улашиб келган инсонларга қадру ҳиммат кўрсатиш зўр кўтаринкилик билан ўтказилди.

Ҳозирги кунда туманда 261 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1186 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар истиқомат қилади.

Байрам кунлари тумандаги «Ижод-ижод» уйи ҳамда «Шодлик» маҳалла гузарида уруш, меҳнат фахрийлари, кам таъминланган — маънавий, моддий кўмакка муҳтож оила вакилларидан 400 нафари тўкин дастурхон атрофига таклиф этилди. Қуръони карим оятлари тиловат қилиниб, шу кунларга етиб кела олмаган юртдошларимизнинг азиз номлари эҳтиром билан тилга олинди.

Шундан сўнг бир пиёла чой устида самимий суҳбатлар қизиди, бугунги ҳаётимизга чин кўнгилдан шукроналиклар айтилди. Ўзбекона ош тортилиб, меҳмонларнинг кўнглини кўтаргувчи алёрлар янгради. Бундай тадбирлар туман бўйлаб давом этди. Албатта, ҳомийлар ҳам қараб туришгани йўқ. Тадбир сўнгида ҳар бир уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари, рағбатлантирувчи мукофотлар ана шу қалби дарё кишиларнинг ҳиммати эвазига топширилди.

УЧТЕПА тумани аҳли ҳам Хотира ва Қадрлаш кунини ўзгача шукуҳ ва кўтаринки байрамона кайфиятда нишонлади. 8 май куни туман ҳокимлигида II жаҳон ҳамда афғон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари жами 300 дан ортиқ фуқароларга тўкин дастурхон ёзилди. Тадбирда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Гиёсова, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Иброҳим Иноғомов, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Ўрол Мўминовлар сўзга чиқиб энг эзгу дил сўзлари билан уруш ва меҳнат фахрийларини самимий қутладилар.

Куй-қўшиқлар дилбар рақсларга уланиб кетган байрам дастури барчани бирдай хушнуд этди. Тумандаги Рус ва Корейс маданият марказлари ҳам ўзларининг қизиқарли чиқишлари билан кўнгилларга хуш кайфият бағишлади. Ҳокимлик биносида бошланган байрам маҳаллаларда давом этди. «Кўкча-Оқтепа», «Шарқ Гули», «Ўрикзор», «Кўркамобод», «Оқмачит» каби маҳаллаларда ҳам байрам шодиёнаси бирдай мароқли ва мазмунли ўтди.

Дарҳақиқат, ушбу кунда меҳр-оқибатли халқимиз марҳумларнинг оилалари ҳолидан хабар олдилар, уларнинг яхши фазилатлари эсланди ва руҳи покларига тиловат қилинди, яқинлари ардоғидаги фахрийлар эса қадрланди.

ЧИЛОНЗОР туманининг ҳар бир маҳалласи, корхона, ташкилот, ўқув юртлари, маданият ва истироҳат боғларида Хотира ва Қадрлаш кунида байрам шукуҳи ҳукмрон бўлди. Эрта тонгдан янграган жўровоз карнай-сурнай наволари туман аҳолисини халқ сайлига чорлади. Асосий шодиёналар Фафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳамда Дўмбиробод болалар боғида бўлиб ўтди.

Туманда истиқомат қилаётган 525 нафар уруш қатнашчиларидан 400 нафарга яқини кеча Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Авлодлар қалбида буюк хотира» мавзуидаги тадбирга таклиф этилди. Уни Чилонзор туман ҳокимлиги, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши аъзолари, кўплаб корхона, ташкилотлар, халқ таълими бўлимининг мутасаддилари ҳамда боғ маъмурияти уюшқоқлик билан ўтказишда алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Байрам дастурхонида қўлларини дуога очган нуроний кексалар — урушнинг азоб-уқубатли даврларини бошларидан ўтказиб, шундай дориломон кунларга етказганига Аллоҳга шукроналар айтишди, Президентимизга қайта-қайта миннатдорлик сўзларини изҳор қилдилар. Ёшларга она-Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, дунёда ўзининг ўрни ҳамда мавқеини эгаллашида муносиб ҳисса қўшишлари йўлида эзгу тилаклар билдиришди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда тумандаги бешта маданият уйларининг хонандалари, созанда, рақс-қосаларнинг қувноқ, дилтортар куй-қўшиқлари, лапар, жозибали рақслари тадбирга ўзгача файз- тароват бағишлади.

«Шарқ тонги», «Гулистон», «Чилонзор», «2-Чарх-Камолон», «Меҳржон» каби кўплаб маҳаллаларда эрта тонгдан тўкин дастурхон безалиб, маҳалла аҳолисига ҳалим тортилди. Ўйин-кулги, яхши кайфият, мазмунли ҳордиқ бахш этган байрам то кечгача давом этди, ҳамма жойда уруш қатнашчиларига алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Шу билан бирга, туман ҳудудидаги ўн тўртта қабристон аҳоли томонидан тозаланиб, орасталанди, ўтганлар руҳи ёдга олинди.

ШАЙХОНТОҲУР туманида ҳам Хотира ва Қадрлаш кунида уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Табаррук ёшдаги кексалар, ногиронлар, II жаҳон урушида шаҳид кетган, боқувчисини йўқотган оилалар, қанчадан-қанча мард ўғлонларнинг умрига зомин бўлган афғон уруши қатнашчилари, миллионлаб одамлар бошига балою-офат бўлиб ёғилган Чернобиль фожиаси оқибатларини бартараф этишда қатнашганларнинг уйларига бориб йўқланди, совға-салом, моддий кўмак кўрсатилди.

Туман ҳудудида жойлашган «Қоратош» гузарида 500 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари учун катта байрам дастурхони тузалди. Кекса, табаррук фахрийларнинг бир-бирлари билан ўзаро дийдорлашуви, дилдан суҳбат қуришлари учун имкон яратилди, мумтоз наволар янграб, ўтганлар хотираси ёд этилди.

— Урушнинг ити ўчсин, — дейди тадбир иштирокчиси, 75 ёшни қаршилаган II жаҳон уруши фахрийси Муртазо ота Наримонов. — Биз айни ўқийдиган, ишлайдиган навқирон вақтимизда қирғинбарот жангларда қатнашдик, қанчадан қанча дўстларимизни, ака-укаларимизни ўз қўлимиз билан бегона юртларда дафн қилдик, қанчаларининг ҳатто қабрлари ҳам йўқ. У кунларни эслашнинг ўзи жуда оғир. Илоҳим юртимиз тинчлиги, мустақиллиги абадий бўлсин. Келажагимиз бўлган ёшлар асло уруш нималигини билмай, завол кўрмай униб-ўсишсин.

Бундай тадбирлар тумандаги 49 та маҳаллада бўлиб ўтди, десак янглишмаймиз. Туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлимлари ҳамкорлигида бўлиб ўтган бир қатор тадбирларда уруш ва меҳнат фахрийларига совға-саломлар топширилди, тадбирга келолмаган бетобларнинг уйларига бориб йўқланди. Инсон қадрининг азизу мукаррамлиги, тирикликнинг буюк неъмат эканлиги, тинч, осуда кунлар қадрига етиш, азиз Ватанни кўз қорачиғидек асраш лозимлиги ёшларга турмуш тажрибаси, ўтган йилларнинг ибратли сабоқлари орқали тушунтирилди.

ЮНУСОБОД туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида киндик қони тўкилиб, бугунги кунда 81 ёшини тетик қаршилаётган Жўра ота Нишонов уруш ҳақида гапиришни унча ҳам хуш кўрмайди. Бунинг боиси, балки, унинг бегубор ёшлик чоғлари дунё тарихида иккинчи жаҳон уруши номини олган даҳшатли йилларга тўғри келганидадир.

— Очиғини айтганда, ёшлик айнан бегуборлик даври эканини энди-энди фарзандларим, эвара-чевараларим ҳаётидан ҳис этаяпман, — дейди отахон. — Аммо ўша кунларни хотирлашнинг мен учун оғирлиги бунда эмас. Гап шундаки, менинг тенгқурларим — 1925-1927 йилларда туғилганлар, ўша пайтларда энди-энди 18-19 ёшга тўлар-тўлмас жанггоҳларда қон тўкканди ва, афсуски, уларнинг кўпчилиги ортга қайтмади... Сабаби — бу оғаларим, укаларим ҳали жуда ёш бўлганди... Ҳа, уруш ёш ҳам, миллат ҳам танламайди, дейишади. Лекин бунинг нечоғлик оғир изтироб эканини ўша кулфатни ёғдирганлар ҳеч қачон тушуниб етмаса керак. Мен билан бирга урушга кетиб, бироқ ортга — туғилиб ўсган уйи, ота-онаси бағрига қайтмаган тенгдошларим олдида ўзимни ҳар доим қандайдир гуноҳкордек сезаман ва шу билан бирга улар учун ҳам яшашим керак деган мақсадда бугунги авлодга насиб этган ёруғ кунларни асраб-авайлашга бор кучимни сарфлашга ҳаракат қиламан. Менинг бу саъй-ҳаракатларимни энди фарзандларим давом эттираётганини ғурур билан айта оламан. Шукрлар бўлсинки, уч ўғлим ҳам, невараларим ҳам олий маълумотли ва давлатимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқда. Қариялари эъзозлаб, ўтганларни хотирлаш — олий фазилат. Юртбошимиз раҳнамоликлари остида барчамиз шундай амалларни бажариб, виждонан пок, холис ният ила яшамоғимиз даркор.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Юнусобод туманининг 58 та маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Жўра ота Нишонов каби 550 га яқин уруш фахрийларининг барчасига алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Чунончи, шу туманда яқинда барпо этилган «Хосият ая» мажмуасида уларга ҳамда фронт ортида меҳнат қилганлар учун байрам дастурхони безалиб, санъаткорлар хизматда бўлишди.

Албатта, Президент Фармони билан уруш фахрийлари учун белгиланган мукофотдан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан ҳар бир иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига 20 минг сўмга тенг моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, туманда жойлашган тўртта олий ўқув юрти, 12 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ва ўндан зиёд умумтаълим муассасалари талаба-ўқувчилари уруш ва меҳнат фахрийларининг уйларига бориб совға-саломлар билан қутлашди.

ҲАМЗА. Дўсту қадрдонлар билан дийдорлашув, дилдан суҳбат кўнгилларни тоғдай кўтариши шубҳасиз. Бу, албатта ҳар қандай совғадан, ҳар қандай мукофотдан афзал.

Ҳамза туманидаги «Само» қаҳвахонасига ташриф буюрган 300 нафардан зиёд қариялар — уруш ва меҳнат фахрийлари юз-кўзларидаги кайфият ана шундан далолат берди. Улар нафақат бир-бирлари билан дийдорлашишди, балки ёшликларига қайтишди, ўтган кунларини эслаш баробарида бугунга етганлари учун, мустақиллик нашидасидан баҳрамандлик учун шукроналар айтишди.

Туман ҳокими Шуҳрат Абдуқодиров тадбирни очиб, йиғилганларни қутлуғ кун билан самимий табриклади. Фахрийларнинг ҳар бирининг хизмати алоҳида эътироф этилгани ҳолда уларга таъзим бажо келтирилди. Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар томонидан иштирокчилар моддий рағбатлантирилди, совға-саломлар улашилди.

Шунингдек, байрам олдидан «Авиасозлар» маданият саройида бўлиб ўтган тантанада 1000 дан зиёд фахрийлар иштирок этди. Уларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шароитлар яратилди.

Албатта, маҳаллаларда ҳам 9 май куни ўтганлар хотирасига, қариялар эъзозига бағишланган тадбирлар уюштирилди. Туман ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар ҳомийлигида 3000 дан зиёд кексалар йўқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, байрам олдидан 150 нафар норолмайдиган уруш қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиниб, уларга алоҳида совғалар улашилди. Айниқса, тумандаги касб-ҳунар коллежлари талабаларининг ташаббусларини айтмоқ жоизки, улар хонадонларга ташриф буюриб, 180 нафар меҳнат фронти қатнашчиларини байрам билан қутлашди.

Нуроний отахон ва онахонларнинг аксарияти шу кунларда барча тантанали тадбирларнинг асосий иштирокчисига айланганини, албатта, фақат олқишлаш даркор. Шу билан бирга ота-оналаримизга иззат-икромни чин дилдан ва ҳар куни кўрсатмоқ лозимлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Зеро, ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, бугун қилган ҳаракатимиз эртага фарзандларимиз ҳаётида намоён бўлишини унутмайлик. Бугунги тинч-осуда ҳаётимизнинг қадрига етайлик, бу борада фахрийларимизнинг, шу файзли, шукуҳли дамларни бизга ато этган боболаримиз ва момоларимиз шаънини асрайлик.

БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

(МОТАМСАРО ОНА ҲАЙКАЛИ ОЛДИДАГИ ЎЙЛАР)

УРУШ ТАМОМ БЎЛГАНИГА 61 ЙИЛ ТЎЛГАН БЎЛСА-ДА, ҲАМОН ЖАНГГОҲЛАРДА ҲАЛОК БЎЛГАН ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ, ДИЛБАНДЛАРИНГИЗ ФИКРИ-ЁДИ БИЛАН ЯШАЙСИЗ,ОНАХОН. НАҲОТ ЎША ҚОРА КУНЛАР ҲАЛИ ҲАМ СИЗНИ ТАРК ЭТМАГАН БЎЛСА? СИЗГА, МОТАМСАРО КЎЗЛАРИНГИЗГА ТИКИЛГАН САРИМ ЎША МАШЪУМ ДАМЛАР БЕИХТИЁР МЕНИ ҲАМ ЎЗ ДОМИГА ТОРТАДИ. ҲАЁЛИМДА ЎТМИШ ЙИЛЛАР АЛАНГАСИ ЖОНЛАНГАНДЕК БЎЛАДИ.

Бир яхши гап, бир ёмон гап тез тарқалади. Уруш бошланганлиги ҳақидаги хабар бир зумда олам узра қанот қоқди. Вокзал. Тумонат одам. Жанггоҳларга жўнаётган йигитларни ўз юртидан узоқ-узоқларга олиб кетишга шай турган поездлар, қўшалоқ вагонлар аста қўзғалиши билан жунбушга келган оломон. «Болам», дейсиз сиз, болажоним, дейсиз сиз, ўшанда бағрингизга босиб турган жигарбандингизни оғушингиздан бўшатмай, «Ой бориб омон келгин». Қўлингизда эса бир бурчагини ҳозиргина ўғлингиз тишлаган нон. Гўё уни биров олиб қўядигандек кафтингиз узра маҳкам сиқасиз.

Охирги вагон кўздан йўқолгунча жойингиздан бир зум қимирламайсиз. Теварак-атрофни оналар, тул қолган аёллар, чимилдиқдан энгигина чиққан жувонлар, ҳали гўшанга аталмиш бу муқаддас тахтга қадам босиб улгурмаган навқирон қизлар қуршаб олишган. Уларнинг нола-ю фиғонлари, «номинг ўчсин уруш» деган ҳайқириқлари аламзада юрагингизга мисли чўғ бўлиб қадалади. Юзларни ювган аччиқ кўз ёшлар тинимсиз оқади. Ниҳоят сиз тилга кирдингиз: «Одамлар бас қилинг, дарё-дарё оқаётган кўз ёшларингиздан заррача фойда йўқ. Ундан кўра биргаликда бир яхши ният қилайлик, Илоҳим фарзандларимиз, ака-укаларимиз, ёру биродарларимиз тўрт мучаси соғ бағримизга қайтиб келишсин, илоҳо омин. Бирдан чақиндек чақнаган «омин» сўзи бутун атрофни тутиб кетади. Шундан сўнг ҳайрона ва вайрона кўнгиллар бироз таскин топгандек бўлади. Ҳамма уй-уйига тарқалади. Тумонат одамни бағрига олган вокзал бир зум оромга чўмади. Эртасига яна ва яна шу ҳолат. Поезд. Кузатув. Хайрлашув. Қайноқ кўз ёшлар.

Барибир инсон бардошли. Тош келса кемириб, сув келса симириб, ҳаммасига чидайди. Нима қилсин, бошга тушганини кўз кўради. Афсус-надомат чекиб ўтиргандан наф йўқ. Вақт зиқ. Ҳар дам ғанимат. Шаҳару қишлоқ, далаю даштда иш қалашиб ётибди. Бундай оғир юмушларни бажарадиган алпқомат ўғлонларнинг ўрни бўш. Улар бугун жанггоҳларда қон кечишяпти. Эркаклар бажарадиган жамики ишлар борки, барча-барчаси аёллар зиммасида. Шундай экан, фурсатни қўлдан бермай, енг шимариб, Оллоҳдан куч-қувват тилаб ишга киришмоқ лозим. Фронт учун озиқ-овқат зарур. Қўлида қурол тутган йигитлар учун ош-нон сувдек азиз. Фронт ортидагилар бир кунини кўрса кўрар, лекин ғалабани тезлатиш учун барча-барча маҳсулотларни, ҳатто оғзингдаги ошни ҳам фронтга жўнатмоқ зарурияти туғилган дамлар.

Онажонгинам, мунис-меҳрибонгинам, мана шуларни ўйлаб кундузлари меҳнатдан қўлингиз бўшамади. Кечалари эса ўғлингиздан келган бир парча мактубни бағрингизга босиб ётдингиз. Унда ўғлингизнинг бармоқ излари бор. Унда фарзандингизнинг қалб ҳарорати бор. Шу боис уни қайта-қайта ҳидлайсиз, ўзингизга таниш нафасни туясиз. Фарзандингизнинг ғолиб қайтишини Яратгандан илтижо қиласиз. Ҳатто безовта тушингизнинг ҳар сонияси ҳам ўғлингиз билан кечади. Ором билмас қалбингиз ғойибона, табаррук остонангизни босиб ўтаётган фарзанд илинжи билан лимо-лим. Гўё у мана-мана эшикдан кириб келадию, бирдан булутлар орасини ёриб чиққан қуёш янглиғ «онажон» дея бағрингизга отилади. Эҳ, бор бўлгур висол онлари, нақадар ширинсан-а.

Бир куни, бир куни... Бунисини айтишга тилим бормайди. Кечки пайт даладан ҳориб-чарчаб қайтдингиз. Хат ташувчи амаки, хомуш сизни йўқлаб келди. Кўзингизга қарашга ботинмай, хат жилдидан титроқ қўллари билан уч бурчакли мактубни олиб сизга тутаркан, ғамгин ҳамдардлик билдирди. «Кўпга келган тўй, бандалик, онажон».

Сиз тош қотдингиз. Кейин иситма аралаш алаҳсиган кишидек ўзингизча алланарсалар деб шивирладингиз. «Йўқ», дединг, «Ўғлим тирик», дединг, «Ишонмайман» деб хайқирдингиз. Лекин ўзгалар сингари соч ёйиб, аза очмадингиз. Умид ва ишонч билан яшадингиз. Йиллар қадар зор-интизор кутдингиз.

«Уруш тамом бўлди» деган хушхабардан бағрингиз тўлди. «Ана энди келади, ўғлим» дея куну тун эшик пойладингиз. Афсус у келмади. Тунларни фарзандингиз бир учини тишлаб кетган кемтик нонга термула-термула ўтказдингиз. Қачонки, Хотира майдонида қад кўтарган ёдгорлик мажмуасида жанггоҳларда ҳалок бўлган юртдошларимиз номи ёзилган олтин дафтардан ўғлингизнинг исми-фамилияси ўрин олгачгина, фарзандингиз ҳалокатига ишонгингиз. Неча-неча навқирон йигитларимизнинг жонини олиб кетган урушга яна бир карра лаънатлар ўқидингиз. Албатта, авлодлар сиздек меҳрибон, дилкаш, жафокаш, уруш ғам-андуҳларини бутун бўй-басти билан бошдан кечирган онаизорни, онаизорларини ҳеч қачон унутмайди. Шунинг учун ҳам бугун сиз мотамсаро она тимсолида Хотира майдонига ташриф буюрганларга гарчи ғамбода кўринишингиз билан бўлса-да, нур ва файз бағишлаб турибсиз. Халқимиз сиздек тинчликсевар, инсонпарвар, болажон оналари борлигидан фахрланади. Сиз эса уруш туфайли ғуссага ботган барча-барча онажонларимизнинг ягона тимсоли сифатида умрбоқий бўлиб қоласиз.

Онажоним, мунисгинам. Қарашларингиз нақадар мунгли бўлмасин, барибир кўз остингизда олам-олам нур борлигини қалбан сезиб турибман. Бу икки хил нигоҳнинг бирида урушга лаънат ҳисси, иккинчисида бугунги дориломон кунларга шукроналик туйғуси уйғунлашиб кетган. Сизга қарай туриб кўнглингиз қат-қатига ёзуғлик шу сўзларни уққандек бўламан. «Одамлар, эркин ва озод бу кунларнинг қадрига етинг. Биз кекса авлод чеккан уруш азоби ҳеч қачон сизнинг олтин бошингизга соя ташламасин. Билинг, эсланг, унутманг. Бу ёруғ кунларга етганлар бор, етолмай армон билан ўтганлар бор. Уларнинг руҳи шод бўлсин десангиз шу озод юртнинг мард асл фарзанди, унинг чинакам ҳимоячиси бўлинг. Бу обод юртнинг ҳақиқий фидойиси ва жонкуяри бўлинг. Мусаффо осмонингизга ҳеч қачон гард қўнмасин».

Ишонинг онажон, сизнинг дил сўзларингиз бугун бизнинг тилимиздан, қалбимиздан мустаҳкам ўрин олган. Бу обод ва озод юртнинг фарзандлари ҳамиша ҳушёр ва огоҳ. Улар киндик қони тўкилган она заминни чин дилдан севади. Унинг тупроғини кўзига тўтиё қилиб суртади. Бу юрт учун керак бўлса жонини фидо қилишга ҳам тайёр.

Қаранг, бобоси етаклаб бораётган ҳўв анави қизалоқ нима деб бижирлаяпти. «Бобо, уруш ёмон-а». Бобонинг жавоби:

«Урушнинг номи ўчсин, бўталоғим». Қизалоқ:

«Тинчлик, омонлик яхши-я». Бобоси: «Юрт-эл, сиз фарзандларимиз бахтига мудом тинчлик барқарор бўлсин, қизалоғим».

Бугунги фарзандларимиз камолини, донолигини кўриб қувонинг, онажон. Шу гўдакки уруш билан тинчликнинг фарқига етибдими, демак юрт озодлиги ишончли қўлларда. Бунга имонингиз комил бўлсин, онажон.

Биз фарзандларингиз Юртбошимиз Фармони билан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган бу кунни ҳамиша эъзоз билан тилга оламиз. Биз Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз руҳи поки олдида ҳамиша-ҳамрўз таъзимдамиз. Биз Мустақиллик шарофати ила озод диёримиз бўйлаб эл-юрт обрўйини юксалтиришга, ёшларни тарбиялашга ҳиссса қўшаётган фахрийларимиз олдида бош эгамиз.

Президентимиз таъбири билан айтганда Хотира ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш демаклигини дил-дилдан ҳис этамиз. Қадрлаш эса хонадонларимизга файз-барака бағишлаб келаётган, эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилаб ўтирган қарияларимизнинг ҳурматини жойига қўйишдан иборат эканлигини яхши тушунамиз. Зеро, бугун қутлуғ айёмда орамизда бор бўлган уруш қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилган отахон ва онахонларимизни қадрлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Ҳа, онажон, онажонгинам, гарчи ўша машъум уруш туфайли минг-минглаб юртимиз ўғлонларининг жисмлари узоқ-узоқларда қолиб кетган бўлса-да, уларнинг номи абадул-абад қалбларимизда сақланиб қолади.

Ўтганлар руҳи ҳамиша биз билан бирга онажон. Зеро, биз учун инсон хотираси — муқаддас, қадри эса азизу мукаррам.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Тил ва кўнгул яхшироқ аъзолардин инсонда.

***

Тилингни ўз ихтиёрингда асра.

НАВОИЙ

Ҳеч қандай кишини, хоҳ у тирик бўлсин, хоҳ у ўлик бўлсин, ёмон сўзлар билан камситиб гапирмаслик керак!

Муҳаммад ҲУСАЙН

Танга озуқдур ҳамиша тўғри лафз,
Миллату тилга хиёнат ўғри лафз.

Анбар ОТИН

Аҳли сухан ким эдилар нуқтасанж,
Топди алар ранж чекиб, мулки ганж.

НИШОТИЙ

Ким синса кўнгул захми забон оғриғидин,
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин.

НАВОИЙ

Киши бўлмаса маънидин хабардор,
Ани дема одам де нақши девор...

ҲУВАЙДО

Кўп демак сўзга ғурурлик,
Кўп емак нафсга маъмурлик.

НАВОИЙ

Сўзни сўзламаса, у соф олтинга тенг,
У тилдан чиқарилса, сариқ чақага тенг.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Сўз айтсанг сен фақат фойдали сўз айт,
Бу билан жой олгин элнинг дилидан.
Бўлмаса сўзламай жим ўтир, чунки,
Инсонга не келса келар тилидан!

Ибн КАМОЛПОШШО

ИЗЗАТ, ОБРЎ, УЛУҒЛИК, ҚАДР-ҚИММАТ, БУЮКЛИК, АМАЛ, БАХТ-САОДАТ ҲАҚИДА

Ўз ҳаққини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган одамнинг ўлими яхши ўлимдир.

***

Фақат уч амалгина инсон билан охират манзилига ҳамроҳ бўлиб боради. Биринчиси жорий садақа дейилади ва масжид қуриш ва хонақоҳ, мадраса солиш, мевали дарахт экиш, қудуқ қазиш ва кўприк солишдан иборат. Иккинчиси халққа наф келтирадиган ишлар қилиш. Учинчиси солиҳ фарзанд тарбия қилиш.

ҲАДИС

Қадр ва улуғлик чўққисининг арзанда гавҳарини қидирувчилар, эътибор ва роҳатнинг ёқимли маъшуғи висолини изловчилар учун лозим, балки зарурки, фақат мақсад манзили томон ета оладиган йўлдан юрсинлар ва хотир бўстонига шундай дарахт эксинларки, то унинг мевасидан ва соясидан бемалол фойдалана олсинлар!

Бархурдур ибн МАҲМУД

ҲИКМАТ. Арасту шундай ёзади: «Иззат тиласанг иффатли бўл, улуғлик тиласанг мулойим бўл, зафар тиласанг, адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, нажот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду жахд қил». Байт:

Дунё моли гўё булут сояси,
У ёндан, бу ёндан ўтар ҳар замон!
Шунинг учун молнинг эътибори йўқ,
Бир онда ўзгариб қолар ногаҳон.
Ҳушёр киши шундай кишики, доим,
Топганини элга қилади эҳсон!

Мажидиддин ХАВОФИЙ

Агар иззат тилабсан камнамолиғ орзусин қил,
Қаю ажнос бисёр, суди йўқ, зиён бўлди.

БАЁНИЙ

Маҳмуд Худобанда шундай деган эди: «Улуғлик шундай кишига ярашадики, у киши ўз муруввати билан озод кишиларни ром этади, асир кишиларни эса озод этади. Рустами Достон куч ва қудрати билан душманларни яксон этди, бечораларни эса озодликка етказди. Бир киши ундан: «Шундай улуғ мартаба ва олий даражага қандай қилиб етишдинг?» деб сўради. У эса мен ҳаётда ўзимга шундай деб буюрардим: «Эй жон, мард бўл, агар жангда ботирлик кўрсатиб ўлсанг, яхши деган номинг қолади, енгсанг эл ҳурматини қозонасан, шунинг учун ўлимдан қўрқма, ўлимга ҳарис бўл!» Шеър:

Қўлимда дори-ю заҳарим бордир,
Бири дўсту, бири душманим учун!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Кимки, улуғроқ анга хизмат керак,
Кимки, кичикроқ анга шафқат керак.

НАВОИЙ

Инсоннинг ҳақиқий қиммати унинг илми ва шу илмига қилган амали орқали билинади. Демак, инсон ҳақиқий қимматга эга бўлиши учун илм ўрганиши ва одобли бўлиши зарур!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

ҲИКМАТ. Иззат ва шуҳратпарастликдан қочсанг, зорлик ва хорликка тушмайсан. Ширинликни камроқ есанг, сафро сўндирувчи дорига муҳтож бўлмайсан. Байт:

Ҳазм қилиш қувватинг етмайдиган таомни —
Ема, жисму жонингга етар ундан кўп нуқсон!
Ғазаб келган пайтда ўйламасдан сўзлама,
Сўнгра узр сўрамоқ бўлмайди сенга осон!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги 218-мактаб томонидан 1993 йилда Ҳикматов Нигматулла Исматуллаевич номига берилган ВУ № 039297 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ» ДАВРАСИДА

ХАЛҚИМИЗ ОРАСИДА ЎЗИНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ БИЛАН ЯХШИ НОМ ҚОЛДИРГАН ТАНИҚЛИ САНЪАТКОРЛАР ТАЛАЙГИНА. УЛАР ОРАСИДА ЭСТРАДАМИЗНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ, БЕТАКРОР ОВОЗ СОҲИБИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР.



Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи саҳнасида «Маънавият гулшани» давраси «Хотира — муқаддас» туркумида севимли санъаткоримиз Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб «Ўзбек санъатининг ёркин юлдузи» деб номланган тадбир ўтказилди. Тадбирга Ботир Зокировнинг яқинлари, дўстлари, шогирдлари ҳамда мухлислари йиғилдилар.

Кечада Ўзбекистон халқ артисти Ф.Зокиров, дўстлари Д.Рашидова, С.Муҳамедов, шоир А. Файнберг сўзга чиқиб Ботир Зокировнинг серқирра ижоди, жозибали ва жўшқин овози ҳамда буюк истеъдоди ҳақида фахрланиб сўзлаб, санъаткор ҳақидаги хотираларини ёдга олдилар.

Дарҳақиқат, Ботир Зокиров ўзбек эстрада санъатининг ривожига, унинг юксалишига муносиб ҳисса қўшган санъаткорлардан. У санъаткорлар сулоласининг ёркин юлдузларидан эди. Отаси Карим Зокиров, укалари Жамшид Зокиров, Фарруҳ Зокиров, Навфал Зокиров, Равшан Зокиров, синглиси Луиза Зокироваларни билмайдиган одам бўлмаса керак. Бу санъаткорлар сулоласини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Хотира кечасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юнус Тўраев, Ботир Зокиров номидаги кўрик-танлов ғолиби Акмал Саидов, «Ялла» эстрада гуруҳи ижросида Ботир Зокиров қўшиқлари янграб, йиғилганлар қалбига хушнудлик бахш этди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: «Ўзбек эстрадасининг ёркин юлдузи» мавзусидаги Ботир Зокиров хотирасига бағишланган тадбирдан лавҳа.

Раҳмонбек Исломов олган сурат

КУЙЛАРДА МАНГУДИР СОЗИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ МУСИҚАСИ МУАЛЛИФИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ СОВРИНДОРИ, АТОҚЛИ БАСТАКОР МУТАЛ БУРХОНОВ ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛИК ИЖОДИЁТИ АСОСЧИЛАРИДАН БИРИДИР.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси Мутал Бурхоновнинг 90 йиллигига бағишлаб «Куйларда мангудир созим» деб номланган хотира кечасини ҳамкорликда ўтказди.

Таъкидлаш жоизки, Мутал Бурхоновнинг қўшиқ, романслари, вокал-симфоник асарлари, саҳна ва кино мусиқаси бетакрор бадиий-мусиқий намуналар бўлиб, мумтоз маънавий қадриятларимиз қаторидан муносиб ўрин эгаллаган.

Унинг ҳаёти ва ижодий салоҳияти миллий маданиятимизнинг тараққиёти йўли билан чамбарчас боғликдир. Ўтган давр мобайнида бастакор турли мавзуларга мурожаат қилиб, хилма-хил дурдона асарлар яратди. Сермазмун, таъсирчан куй-қўшиқлар, романслар ва хорлар, кинофильмлар учун мусиқа, камер-чолғу ва симфоник асарлар, « Алишер Навоийга қасида», «Абадий хотира» реквиеми ва бошқа мусиқа асарлари мумтоз мусиқамиз хазинасини бойитди. Устоз бастакорнинг ҳар бир асари аввало нафислиги ва жозибадорлиги халқчиллиги ва ноёб оҳангларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу дилкаш наволар тингловчини ажиб сеҳри билан ром этади. Улар самимий ва айни пайтда фалсафий теран ва таъсирчандир. Бастакор яратган мусиқий асарлар кўплаб ижодкор ва ижрочиларнинг касбий шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Мусиқа шинавандаларининг руҳий озиқ олишларида, маънавий камолотида бадиий эстетик таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Мазкур кечада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмаджон Жабборов, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов бастакор ижодига бир бор назар ташлар эканлар, М.Бурхонов номи ҳар бир санъат кишиларининг қалбидан муносиб жой олганлигини, яратган куй-қўшиқлари Республика миқёсидаги ва халқаро танловларда, фестиваль ва концертларда мунтазам ижро этилиши, радио тўлқинларини ва телевидение орқали янграши бастакор асарларининг умри боқийлигидан далолат беришини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган хор жамоаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалар симфоник оркестри, халқ чолғулари оркестри, талабалар камер оркестри, театр-студияси хор жамоаси, Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобулова, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаевлар ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Юнус Тўраев, Адиба Шарипова ҳам ўз санъатларини буюк бастакор хотирасига бағишладилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Назм

ЯХШИЛАР ЁДИ

Яхшилар ёди ҳеч ўчмас
диллардан,
Яхши ном, яхши из
қолур улардан.
«Яхшидан боғ қолур,
ёмонлардан доғ»,
Унутма бу сўзни асло одамзот!

НАҚОРАТ:

Яхшилар яшайди дилларимизда,
Умрбод тарона, тилларимизда!
Бўлсин шон-шарафлар
қаҳрамонларга,
Мусаффо осмонда
зоғлар учмасин,
Одамлар кўксини
фарёд қучмасин!

Элу юрт ишқида яшаса мудом,
Топгуси ҳар Инсон
иззату икром,
Иймон, нур таралар
ёруғ юзидан,
Авлодлар боражак
қутлуғ изидан!

НАҚОРАТ:

Яхшилар яшайди дилларимизда,
Умрбод тарона, тилларимизда!
Бўлсин шон-шарафлар
қаҳрамонларга,
Ўғлону фидойи эл-омонларга!
Мусаффо осмонда
зоғлар учмасин,
Одамлар кўксини
фарёд қучмасин!

Искандар РАҲМОН
Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси

Футбол

ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШДИ

Ўз майдонида «Шўртан» жамоасини қабул қилган «Локомотив» футболчилари муҳим ғалабани қўлга киритишди. Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилги миллий чемпионат беллашувларида темирйўлчилар анча нотекис ўйин кўрсатишмоқда. Шу боисми, кубок мусобақасида «Локомотив»га ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Учрашув муросасиз ва кескин курашлар остида ўтди. Мухлислар қизиқарли учрашувнинг гувоҳига айланишди. Тезкор, ҳужумкор, шиддатли ўтган баҳс 2:1 ҳисобида «Локомотив» ғалабаси билан якунланди.

Пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган биринчи лига вакили «Оқтепа» жамоаси Лочин туманининг «Шўрчи» клуби билан сафарда уюштирилган биринчи учрашувда 1:0 ҳисобидаги ажойиб ғалабани қўлга киритди.

Қаршида «Насаф» жамоаси меҳмони бўлган «Трактор» футболчиларига ҳам омад кулиб боқди. Гарчи бу беллашувда тракторчилар 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган бўлсаларда, Тошкентда ўтказиладиган такрорий баҳсда ғалаба қозонишса чорак финал йўлланмасини қўлга киритишади.

Ўзбекистон Кубоги 1/8 финалидаги бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Навбаҳор-Н»—2:0, «Шаҳрихон» — «Нефтчи» — 1:3, «Самарқанд-Д» — «Металлург» — 3:0.

ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ТУРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЧЕМПИОНИ «ПАХТАКОР» СУРИЯНИНГ «АЛ-ИТТИҲОД» ЖАМОАСИГА ҚАРШИ САФАРДА КУЧ СИНАШДИ.

Шуниси эътиборлики, «А» гуруҳида тўққиз очко билан биринчи ўринда бораётган пахтакорчилар агар «Ал-Иттиҳод» жамоасини мағлуб эта олганларида муддатидан аввал кейинги босқич йўлланмасига эга бўлишарди. Шу боисми, беллашув анча муросасиз ва шиддатли кечди. Аммо, майдон эгалари ҳам пахтакорчиларга қарши ҳужумкорлик руҳида ушоқоқ ҳолда тўп суришди. Қизиқарли комбинацияларга бой кечган учрашув 2:1 ҳисобида мезбонларнинг ғалабаси билан якунланди. «Пахтакор»дан рақиблар дарвозасини Понамарёв аниқ нишонга олди. Ушбу учрашувда «Пахтакор» мағлубиятга учраган бўлсада, кейинги баҳсларда ғалаба қозона олса кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

қуйидаги бўш ўринларга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудирлари:

«Архитектура ва шаҳарсозлик» (1); «Геодезия ва кадастр» (1); «Бино иншоотлар ва қурилиш конструкциялари» (1); «Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш» (1); «Информатика ва компьютер графикаси» (1).

Доцентлар:

«Қурилиш материаллари ва кимё» (1); «Қурилиш технологияси ва ташкилиёти» (1); «Архитектура тарихи ва назарияси» (1); «Архитектура муҳитлари дизайни» (1); «Жисмоний тарбия» (1); «Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш» (1); «Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар» (1); «Бино, иншоотлар ва қурилиш конструкциялари» (1); «Ўзбек ва хорижий тиллар» (1).

Катта ўқитувчилар:

«Математика ва табиий фанлар» (1); «Архитектура ва шаҳарсозлик» (1); «Архитектура муҳитлари дизайни» (1); «Жисмоний тарбия» (1); «Информатика ва компьютер графикаси» (1); «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги» (1); «Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар» (1); «Бино, иншоотлар ва қурилиш конструкциялари» (1); «Иқтисодиёт» (1); «Ўзбек ва хорижий тиллар» (1).

Ассистентлар:

«Архитектура ва шаҳарсозлик» (1); «Архитектура тарихи ва назарияси» (1);«Информатика ва компьютер графикаси» (1); «Касбий педагогика» (1); «Қурилиш технологияси ва ташкилиёти» (1); «Иқтисодиёт» (1); «Менежмент» (1).

Кафедра мудирлари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати— эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш., 700011, Навоий кўчаси, 13-уй, ходимлар иш юритиш бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
41-11-82;
144-18-78, факс 41-80-00.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ичимлик суви ва оқава сувлари тармоқларида беҳуда сув сарфланишига қарши тез ва самарали кураш олиб бориш мақсадида тармоқларнинг шикастланганлиги тўғрисидаги барча ҳолатлар юзасидан «Сувсоз» трести Давлат унитар корхонасининг марказий диспетчерлик хизматига 054 телефони орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

Мунажжим башорати

РЕЖАЛАШТИРДИНГИЗМИ, ИШГА КИРИШИНГ

11 МАЙ, ПАЙШАНБА МУНАЖЖИМЛАР ЯКДИЛ ФИКРЛАРИГА КЎРА, АГАР ШУ ОЙГА БИРОН ЯНГИ ИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН БЎЛСАНГИЗ, БУГУН УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КИРИШИШНИНГ АЙНИ ПАЙТИ ЭКАН. ШУ ЖИҲАТДАН БУГУНГИ КУН ЖУДА МУҲИМ БЎЛИБ, ХАЙРЛИ ИШНИ БУГУН БОШЛАМАСАНГИЗ, БИР ОЙЛИК МУДДАТНИ БОЙ БЕРИШИНГИЗГА ТЎҒРИ КЕЛАРКАН.

Шу куни ҳуқуқшунослар билан алоқалар, никоҳ тўйлари, тўйолди фотиҳалари, жамиятларга асос солиш учун хайрли ҳисобланади. Тафаккур ва ҳиссиётлар бугун бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун салбий фикрлардан миянгизни тозалашга ҳаракат қилинг.

Ҳар қандай ўзгаришлар бугун биздан кучлироқ бўлиб, ўз ҳаракатларимизга тўғри баҳо беришимиз қийин. Қандайдир маълумотлар, керакли ахборотлар етишмайди, рўй бераётган ҳодисаларнинг асл сабаблари бизнинг идрокимиз учун ёпиқлигича қолаверади.

Ёркин тушлар ва улардан кейин шу заҳоти уйғониб кетган тушларингиз башоратли ҳисобланади. Улар тез орада – бир ҳафта мобайнида ўнгидан келади.

Имкон қадар суюқликни кам истеъмол қилинг, кўзларингизни зўриқтирманг. Жигар ва ичакларингизни эҳтиёт қилинг – оғир таомлар истеъмолидан ўзингизни тийинг.

Яшил ва яшилликка мойил ранглардаги либослар бугун сиз учун ёқимли ва айни пайтда омадли бўлади. Ёркин ранглар ҳамда қизил, қора ва кўк ранглардан бугунча узоқроқ бўлинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6